

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 163 (1224), 2024 йил 15 август, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ
ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ
ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 август куни камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Ҳар бир мамлакат ривожланиш жараёнида камбағалликни қисқартириш босқичидан ўтади. Ўзбекистон ҳам 2020 йилда аҳолининг муайян қисми камбағал эканини тан олиб, уларга мадад беришга киришди. Молиявий-ташқилий чоралар кўрилиб, тизим жорий қилинди. Бу ўз самарасини бериб, узок йиллар оғир вазиятда бўлган 3 миллиондан зиёд одамларнинг шароити яхшиланди. Камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизга тушди.

Келгуси уч йилда камбағаллик даражасини 11 фоиздан 7 фоизга қисқартириш мақсад қилинган. Ҳозиргача бўлган тизим билан натижадорликни ошириш қийин. Камбағал оилани танлашда аниқлик, уларни бу ҳолатдан олиб чиқиш ва маблағ ажратишда яхлитлик етишмайди.

Шу йил 12 июль куни Фарғона вилоятида ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари бу борада янги чора-тадбирлар кераклигини, энди камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя бир тизимда бўлишини айтган эди.

Тақдимотда ушбу икки соҳани мутаносиб ривожлантириш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди.

Тахлиллардан келиб чиқиб, камбағалликни аниқлаш мезонлари ва манзилли рўйхати шакллантирилди. Жумладан, унга “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”даги ҳамда камбағалликка тушиб хавфи юқори бўлганлар киритилди. Бундай оилалар “маҳалла еттилиги” ва фалолари томонидан овоз бериш йўли билан тасдиқланади. Камбағалликдан

чиқаришга қаратилган барча ижтимоий хизмат ва ёрдамлар “Инсон” марказлари томонидан амалга оширилади.

Камбағаллик омилларини ўрганиш учун ижтимоий ҳимоя ва бандлик масалаларида 8 та йўналишда ягона саволнома ишлаб чиқилди. Шу асосида оилаларнинг имкониятлари баҳолалиб, 3 та тоифага ажратилди. Ҳар бир оилага индивидуал ёндашилиб, “оёққа туриши”га кўмаклаштилади.

Шу тахлит камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллалар рўйхати ҳам шакллантирилди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва ҳокимликлар томонидан ҳар йили 50 та маҳалла танлаб олиниб, улар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириб борилади.

Бугунги кунда ҳоким ёрдамчиларига 20 дан ортиқ вазифалар юклатилган. Шу сабабли камбағалликни қисқартириш масаласи иккиламчи даражага тушиб қолган. Энди ҳоким ёрдамчиларининг фаолияти қайта кўриб чиқилиб, асосий эътибор камбағалликни қисқартириш ва улар бандлигини таъминлашга қаратилди.

Ҳар йили камбағалликни қисқартиришга 14 триллион сўм йўналтирилмоқда. Лекин бу маблағ 40 турдаги молиявий воситалар орқали 10 га яқин идора томонидан берилмоқда, ягона ёндашув йўқ. Шу боис, бу тизим ҳам ўзгартирилади. Маблағлар ҳудуд, туман ва маҳаллалар кесимида камбағал оилалар сонидан келиб чиқиб, мос равишда Агентлик ва ҳокимликлар томонидан тақсимланади.

Бунда маблаглар, биринчи навбатда, оилани камбағалликдан чиқаришга йўналтирилади.

Камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурлар ижроси бўйича 3 босқичда — маҳалла ва туман, вилоят ҳамда республика даражасида мониторинг ташкил қилинади. Бу борада жамоатчилик назорати кучайтирилади.

Иш ўринларини захиралаш амалиёти ўрнига эҳтиёжманд кишиларни ишга олган тадбиркорлар учун солиқ имтиёзлари жорий қилинади. Бўш иш ўринлари тўлиқ рақамлаштирилади. Буюртмачини касаначи ва фрилансерга боғлайдиган онлайн платформа ташкил қилинади. “Ишга марҳамат” моно-марказларида камбағал фуқароларни хизматлар соҳасида замонавий касбларга ўргатиш йўлга қўйилади.

— Охириг йилларда тўпланган тажриба ва одамларнинг эҳтиёжидан хулоса қилиб, камбағалликни қисқартиришни янги босқичга олиб чиқиш керак. Эҳтиёжманд инсонларнинг хоҳиши ва имкониятини қўллаб-қувватлаб, ҳаётга, жамиятга олиб кириш зарур. Умуман, ҳар қандай ижтимоий ёрдам пировардида бандликка боғланиши шарт, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга ижтимоий кўмакларнинг манзиллилиги ва шаффофлигини таъминлаш, бандлик ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН
БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, соҳада янги ва истиқболий лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга қўшаётган катта ҳиссаси, ўзининг ташаббускорлиги, замонавий билим ва тажрибасини намоён этиб, инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишни янада кенгайтириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида алоҳида жонбошқ кўрсатиб келаётгани, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Меҳнат шуҳрати”
ордени билан

Ачилов Нурмухамед Нуруллаевич — Ўзбекистон Республикаси Президентининг таъсис қилган “Patvoz Nuro Ravnag Trans” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

Турдалиев Бохиржон Илхомович — Бешарик туманидаги “Водий насли паранда” фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Абдуллаев Абдувайид Толибжонович — Асак туманидаги “Асакатекстиль” масъулияти чекланган жамияти кузатув кенгаши раиси, Андижон вилояти

Араббаев Хусан Жамалитдинович — Чиноз туманидаги “Юлдуз” чорвачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Гальперин Леонид Владимирович — “Тошкент қувур заводи” масъулияти чекланган жамияти таъсисчилар кенгаши раиси, Тошкент шаҳри

Даниев Абдушуккур Жайловович — Муборак туманидаги “Шодлик пахта-дон кластери” масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадар вилояти

Каримов Акмал Акбарович — Мирзо Улугбек туманидаги “Krapas” масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри
Костоев Магомед Эзманович — Риштон туманидаги “Kosto Line Holding” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

Мамуров Шарифжон Рахимович — Бухоро туманидаги “LKW-Service” масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

Муминов Абдулхамид Махмуджонович — Давлатобод туманидаги “Саодат саноат сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Пардаев Баходиржон Абдималикович — Оқолтин туманидаги “Занжирли шамшир” туякушчилик фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Пардаев Жамшид Музаффарович — Термиз иқтисодиёт ва сервис университети таъсисчиси, Сурхондарё вилояти

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

“ФАОЛ ТАДБИРКОР” КЎКРАК НИШОНИ
БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик ривожини янги босқичга кўтариш, юртимизнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасидаги катта хизматлари, соҳага илгор инновацион, “яшил” ва рақамли технологияларни жорий этиш, сармоялар ҳажмини кўпайтириш, иш ўринлари яратишга қўшган муносиб ҳиссаси, шунингдек, бизнесда эришаётган салмоқли натижалари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирлансин:

Алламбергенов Шарипбай Оразимбетович — Тахиташ туманидаги “Гулсара пиллачи” фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Базарбаева Гулбахар Утебаевна — Нукус шаҳридаги “Qanli Xantore” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Жаркинбаев Салават Мирзакулович — Элиқалъа туманидаги “Bo'ston Silk” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Султанов Телман Разумович — Элиқалъа туманидаги “Рўзимбой бобо” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Турекеев Азамат Утебаевич — Чимбой туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, ҳунарманд-ўтов ясовчи, Қорақалпоғистон Республикаси

Уразбаев Ажинияз Абдреймович — Нукус шаҳридаги “Orient Technology” масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Абдураимов Абдурашид Абдурахмон ўғли — Шахрихон туманидаги “Mebl Esse” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Джураев Ифтихор Абдураимович — Қўрғонтепа туманидаги “Ягона шарқ замини” хусусий корхонаси раҳбари, Андижон вилояти

Давоми 2-бетда

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИНИ
БИР ОВОЗДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

13 август куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида БМТ Бош Ассамблеяси “Дегрaдацияга учраган ва қурғoқ ҳудудларда барқарор ўрмонзорларни барпо этиш, дарахт экиш ва уларни тарғиб қилиш — экологик муаммоларга қарши курашининг самарали ечими” резолюциясини бир овоздан қабул қилди.

Давоми 2-бетда

“Янги Ўзбекистон” газетасида янги лойиҳа

Мустақиллигимизнинг
33 йиллигига
ИНТЕРВЬЮМЕН НЕЧУН СЕВАМАН
ЎЗБЕКИСТОННИ?

ВАТАН КЎКСИМДА, ТИЛ БЎҒЗИМДА,
НИГОРИМ УМИДИМДА!

Ўзбекистонни севиш осон иш эмас. Бунинг учун Фитратнинг илмёр, жиҳодёр, фидокор севгиси керак. Бунинг учун яқин замондошимиз Рауф Парфи каби умр бўйи Туркистон ёди, муҳаббати, руҳи билан оғишмай яшамоқ ва ижодий курашмоқ керак. Ўз замонида Алишер Навоий Туркистонни “занжирбанд шер” деб атаган ва у ҳар доим “енгаман” деб яшашини айтганди. Мен халқимнинг енгилмига бўлган қудратига ҳеч қачон шубҳа қилган эмасман.

Давоми 3-бетда

Тахририят





Мустақиллигимизнинг 33 йиллигига интервью

Бугун жамиятимизда ижтимоий фаоллик тушунчаси ғоят кенг маънога эга бўлиб бормоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллигини нишонлар эканмиз, очигини айтиш керак, оммавий фаоллик яқин 7-8 йилда мисли қўрилмаган мақомларга кўтарилганини тан олмасак, инсофдан бўлмас. Халқимиз ҳаётига дахлдор бўладими, дунё воқеалари силсиласига бориб тақаладими, ҳар бир ўзбекистонлик ўз фикрини, нуқтаи назарини хоҳ ижобий, хоҳ таҳлилий ва танқидий йўсинда бўлсин, баён этиш ва шу орқали умуммиллий, умумжаҳоний фикрлар симфониясига қўшилиш имконига эга. Кўнгил софлиги, холислик ва эзгу ният бўлса бас!

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ?

ВАТАН КЎКСИМДА, ТИЛ БЎҒЗИМДА, НИГОРИМ УМИДИМДА!



Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, Президентнинг “Сиёсий қатғон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги қароридан сўнг улкан ижтимоий-сиёсий курашларда адолатсизликларни енгишнинг асл дастаклари қандай бўла олиши мумкинлигига дуч келдим ва тўла амин бўлдим.

Мен халқим ва мамлакатимни у чинакам енгиш санъати ва таълимотига эга бўлгани ва буни ижтимоий-сиёсий майдонларда тўла юзага чиқаришга қодир экани учун ҳам севаман. Бир замон асрдошимиз ва маслакдошимиз бўлган ёниқ қалбли шоир “Нури авайлайлик” деган шеър ёзиб, ватандошларга мурожаат қилган ва нур тимсолида халқимизнинг битмас-туганмас ижодий кучларини

қўролганди. Узоқ тарихимизнинг туманликлари синчиклаб қарасак, худди мана шу нарса, яъни ижодий кучлар ҳеч қачон сўнмагани ва забунликка учрамагани ҳамда халқнинг кўксини ҳар қачон баланд тутганини яққол кўраман. Енгиш санъати ва ижодий кучлар халқимиз ва Ўзбекистон тарихида чамбарчас боғланиб келади. Айнан улар халқимизни ҳақиқий бирдамликка чорлаган.

XIX аср энг оғир, энг забун давр эди. Ўша забун даврда Муқимий, Фурқат, Нодир, Завқий, ҳазрат Бехбудий, ҳазрат Авлоний, ҳазрат Алмаий, ҳазрат Баёний бонг ураоқ халқнинг онгини куёш каби ёритдилар. Халқимиз минг асрлардан бери нимага чанқоқ? Илм-фанга чанқоқ! Ким илмга ташналигимизни инкор эта олади? Шундай асл ҳақиқатга мункир борми дунёда! Бор бўлса мабодо, ким унинг юзи қаролигига шу пайтгача ишонч ҳосил қилмаган! Мен халқим ва Ўзбекистонни илм ошуфтаси бўлгани учун севаман! Ахир қайси номни ҳозир айтмай, у қалбингизда қуёш каби порлашини аниқ биламан. Мен янгиликларни астойдил севгани ва янгиликларга интилиб, курашиб келганини халқимнинг улуг тарихан яшовчанлиги, курашчанлигининг ўлмас белгиси деб биламан. Халқим дунё халқларига ҳамisha муҳаббат билан қараб келади. У ҳеч қайси бир халқ ё мамлакатга кек ва нафрат сақлаган эмас. Одамлик қадр-қимматини энг баланд мавқеда тутган, баланд мавқеда биродарона муносабатда бўлган. Мана, ҳозир ҳар биримиз шу биродарона, тенглар ичра тенг муносабатларда тараққий

ва демократиянинг энг мустаҳкам пилла-полярларидан юксалиб бораётганига ишонч-этиқодимиз соат сайин комил даражага чиқмаяптими?! Шуларнинг барчаси баробарида биз ўзимизни энг баҳодирона мақомларда дунёда ниҳоятда хавfli тус олиб бораётган кибермайдонлардаги киберхатарлардан ишончли ҳимояланишимизни ниҳоятда жиддий вазифа деб қабул қилайлик.


Ҳозирги кучли ҳарбий технологияларни ўрганиш ва уларни чуқур ишлаб чиқиш хавфсизлигимиз йўлида афсонавий “Искандар девори”дан ҳам ишончлироқ ва аниқ натижалар беражак. Биз гўзал Ўзбекистонимизни беҳад севар ва унга ҳаётимизни бағишларканмиз, шеърда айтилган “нечун” деган шоирона сўзга эмас, теранроқ, ҳаётинроқ, реалроқ “нега” деган саволга жавоб беришга ўрганайлик. “Нега” бениҳоя реал саволдир. Агар уни “нечун”нинг ўрнига қўйсақ, сатр дарҳол ўз жарангдор шоироналигини йўқотади ва амалий фалсафий саволга айланади. “Нечун” билан “нега”нинг бой ўзбек тилимизда шунчалар катта фарқи бор. Мен ўзбек тилимизни шундай буюқ фарқларни фарқлаш ва маъноларни тугал муайянлаштира олгани учун севаман. Шоир тилининг бу маънорлиқ ҳусусиятларини ниҳоятда теран ҳис қиларди.

Хўш, нега мен Ўзбекистонни севаман? Мен Ўзбекистонни чин ўтишимни, бутуним, меҳрини дариг тутмайдиган келажгим бўлгани учун жондан яхши кўраман. Ватан кўксимда, тил бўғзимда, нигорим умидимда.

Ватанни-ку қўйинг, инсон ўзига тегишли бир қарич ерни ҳам бирова бергиси келмайди. Ватан сўзи чуқур маъно-мазмунга эга муқаддас тушунча. Ватан, энг аввало, ота-боболарнинг покиза хоклари ила шарафланган жой. У ҳар бир кишининг ўз қалбидан, виждонидан бошланади. Инсоннинг азиз ва муқаррамлигини Ватанни севиш, Ватани қадрлаш ва унинг равнақи йўлида хизмат этиш каби фазилатларида кўришимиз мумкин.

Ҳаётда ҳар бир инсоннинг эзгу орзулари бўлади. Айниқса, озод ва обод Ватанда ўсаятган, қалби пок ҳис-туйғулар билан тўлган ёшларнинг орзулари бир олам. Ватанга муҳаббат, ота-онага, эл-юртга беминнат хизмат қилиш, уларнинг олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этиш шу орзуларнинг энг улуғларидан саналади. Бу орзуга эришиш учун инсон болалиқдан бошлаб ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, зарур билим, кўникма ва ҳунарларни эгаллаш, жисмонан бақувват, руҳан соғлом бўлмоғи лозим. Мен она сифатида фарзандларим доим ёнимда бўлишини, олган билим ва малакаларини шу юрт равнақи йўлида хизмат қилдиришини истайман.

Бугунги нотинч ва мураккаб замонда юртимиздаги тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш жуда катта меҳнат ва масъулият талаб қилади. Бунинг учун ҳар бир инсон ўзининг шу юрт тақдирига дахлдор эканини қалбдан ҳис қилган ҳолда жамиятдаги вазифаларини тўла адо қилмоғи лозим. Зеро, Ватанга хизмат шу юрт фарзандиман деган ҳар бир ўғил-қиз учун энг олий саодатдир.



Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюммаси аъзоси

Оилада фарзанд дунёга келди. Тугуруқ-хонада янги меҳмонга тааллуқли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Орадан роппа-роса 3 йил ўтгач, яъни чақалогимиз 3 ёшга тўлган куни туман мактабгача таълим бошқармасидан хонадонга қўйидаги мазмунда хабарнома келди: фалончи исмли фарзандингиз 3 ёшга тўлгани билан табриклаймиз, у шу кундан эътиборан фалон болалар боғчасига қабул қилинди.

“Ҳаёт узлуксиз қиёсдан иборат. Ахир яқин-яқингача фарзандларимизу невараларимизни болалар боғчасига жойлаштиргунча не-не сарсонгарчиликларга рўпара келардик?! “Мурсаи мадора”лардан инсоний иззатимиз, ғуруримиз поймол этилмасмиди?! Энди эса “Бўлар экан-ку!” деб юборасан беихтиёр.

БУГУНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР ҲАЁЛИМИЗГА ҲАМ КЕЛМАГАН

Санобархон ЖЎРАЕВА,
пенсионер

Андижон вилояти

Инсон пешанасига нима ёзилганини билмайди. Бир ўғил, уч қизни ёлғиз тарбиялашимизга тўғри келди. Жуда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказдим. Бироқ ота-онамиз ҳеч қачон нолимасликни, сароннинг муқофоти борлигини болалигимиздан қалбимизга сингдирган. Аввало, тинчлик бўлсин, дейишган. Шунинг учун дунё қилганимизда ҳамisha тинчлик-хотиржамлик бўлишини сўраймиз. Чунки тинчлик бўлмас, кўнгулга ҳеч нарса сиғмас экан.

Яратганга беадад шукр, телевизорда кўриб, эшитаётганимиз — бахтсизликлар, айниқса, суvsизлик, очарчилик каби синовлар биздан нарида. Кечаси билан хавотирда ётмаймиз. Дарвозамиз очик қолиб кетса ҳам биров бостириб келмайди, таҳдид қилмайди. Қаерга бормайлик, “Ҳужжатим қолиб кетмадимикан”, деган ҳадикда эмас, эмин-эркин юраимиз.

Бир пайтлар ёмғир, қор ёққанида лўға ботадиган кўчаларимизга асфальт ётқизиларди. Бир неча йил олдин болаларим билан уй қуриб, янги маҳаллага кўчиб келганимизда шу ерлар ҳам бир кун келиб обод бўлармикан, ён-атрофимиз кўшнлар билан тўлармикан, дердим. Чекка жойларда ҳам ҳар бир уйга тоза ичимлик сув келяпти. Аввалгидай фақат ўчоқда чой қайнатиб, овқат пишириш йўқ. Яшашимиз йилдан йилга енгилашяпти. Аслида, тинчлик бўлса, қанча меҳнат қилса ҳам чарчамайди одам.

ФАХР ВА МУҲАББАТ ИЛА

Бу воқеага кимлардир жуда майда ва арзимас янгилик сифатида эътибор қаратмаган бўлиши мумкин. Мен эса заррача иккиланмай, ушбу ҳолатни фавқулодда ва тарихий янгилик, шодиёнага лойиқ, шунингдек, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий ва албатта, ҳам маънавий аҳамиятга молик воқеа дея таърифлаган бўлар эдим.

Ҳаёт узлуксиз қиёсдан иборат. Ахир яқин-яқингача фарзандларимизу невараларимизни болалар боғчасига жойлаштиргунча не-не сарсонгарчиликларга рўпара келардик?! “Мурсаи мадора”лардан инсоний иззатимиз, ғуруримиз поймол этилмасмиди?! Энди эса “Бўлар экан-ку!” деб юборасан беихтиёр.

Гап яна нимада? Гап — ҳаётимизда юз берган ва бераётган катта-кичик воқеалардан қувона билишда! Эътироф эта билишда! Ватанпарварликдек юксак туйғу оддий инсоний қувонч, эътироф ва ишончдан бошланади.

Юртимизда кўз ўнгимизда рўёбга чиқаётган, амалга оширилаётган ислохот манзараларини тасвирлаш алоҳида мавзуга леккин халқимиз кенг омма ҳар бир янгиликни шахсий-оилавий шодиёнасидек қабул қилишга ўрганаётгани, одад-наётганини ниҳоятда қимматли туйғу деб ҳисоблайман. Зеро, шахсий ва ижтимоий туйғунинг уйғунлиги, жиғислиги соғлом маънавий юксалиш, комиллик деб очасидир.

Бугун жамиятимизда ижтимоий фаоллик тушунчаси ғоят кенг маънога эга бўлиб бормоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллигини нишонлар эканмиз, очигини айтиш керак, оммавий фаоллик яқин 7-8 йилда мисли қўрилмаган мақомларга кўтарилганини тан олмасак, инсофдан бўлмас. Халқимиз ҳаётига дахлдор бўладими, дунё воқеалари силсиласига бориб тақаладими, ҳар бир ўзбекистонлик ўз фикрини, нуқтаи назарини хоҳ ижобий, хоҳ таҳлилий ва танқидий йўсинда бўлсин, баён этиш ва шу орқали умуммиллий, умумжаҳоний фикрлар симфониясига қўшилиш имконига эга. Кўнгил софлиги, холислик ва эзгу ният бўлса бас!

...Навбатдаги янгилик: эндиликда пенсия ёшига етган фуқаролар жилд-жилд ҳужжат тўплаш мақсадида идорама-идора сарсон бўлмайди. Тегилли муассаса ва идора пенсия белгиланган куниёқ фуқарога хабар йўллабди: “Сизга фалон кундан эътиборан фалон миқдорда пенсия белгиланди”.

Қувонса бўладиган, инсон қадрини улуғлайдиган, иззатини жойига қўйишга хизмат қиладиган, фахр ва муҳаббат ила “Бўлар экан-ку!” деб юборадиган даражадаги воқеа ахир бу!

Ҳар бир фуқароннинг энг кичик янгиликлардан қувона билиши, уларни оқилона эътироф этиши ҳам улкан ислохотлар қошонасига бир ғишт қўйиш, бунёдкорлик майдонидан четда қолмаслиги тимсоли ҳисобланади.

ОДАМЛАР ЮРТИГА ОШИҚ БЎЛСИНЛАР

Феруза АБДУСАГАТОВА,
Ўзбекистон Миллий
университети
журналистика факультети
катта ўқитувчиси



Инсон эга бўлган нарсалар ичида энг қадрли ва бебаҳоси туғилиб ўсган Ватандир. У инсоннинг киндик қони тўкилган, гўдаклик чоғи ўтган, ёшлик, кексаллик даврларини сурган, хотиралари муҳрланган, ота-боболарининг юрти, фарзанду набиралари улғайган заминдир!

Шу ўринда она замин билан боғлиқ бир ривоят ёдга тушди.

...Қадимда тунда бир уйга ўғри оралабди. Кўнжига урса бўладиган нима бор экан деб ҳамма ёқни пайпаслаб юриб, ногоҳ қўли тоқчадаги бир идишга тегибди. Идиш ичида нимадир борга ўхшабди. Унга қўл солиб, татиб кўрса, туз экан. Ўғри ўша жойда бир оз ўйланиб туриб, “Бу уйнинг тузини тоғдим, энди уларга хиёнат қилишим тўғри бўлмас”, деб ҳеч нарса олмай чиқиб кетган экан.

Ким бир жойнинг тузини тотган бўлса, у ўғрини ёки тўғримни, ўша жой, ўша

ер унинг учун хурматга, эҳтиромга лойиқ масканга айланади. Халқимизда ҳам “Тузини еб, тузлуғига тупурма” деган насиҳат бор. Бугун шу ватанда, шу заминда вояга етиб, тарбия, илм топиб, қўлидан бир иш келадиган бўлиб қолганда хорижга кетиш талвасасига тушиб қолаётган ёшларни сира тушунмайман.

“Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл” ҳикмати бежиз айтилмаган.



Ўғлим пахта даласига мироблик қилишдан ташқари деҳқончилик билан ҳам шуғулланади. Ҳосил йигиб олингач, қилган харажати кўзга кўринмай кетади. Ҳалол меҳнат билан невараларимни ўқитаяпти. Ўзим фарзандларимни олиғтоҳларда ўқита олмаганим учун уларнинг ютуғидан қувонаман. Бугунги болалар — энг бахтли, ризқи бутун болалар. Ҳатто боғчага борадиган неварам ҳам чет тилларни ўрганиб келаётганига ҳавас қиламан. Бу йил яна бир неварам инглиз тилидан сертификати бўлгани учун юқори балл тўплабди. Буни эшитиб, кўзимга ёш келди. Биз мактабда ўқиган пайтларда олтин медалимиз бўлса ҳам бундай имкониятлар йўқ эди. Гулдек ёшлигимиз, айнаи ўқиб-ўрганадиган пайтимиз пахта далаларида ўтиб кетди. Илмининг

ортидан чет элга боришни-ку тушимизда ҳам кўрмасдик. Ҳозир қишлоғимиздан қанча-қанча бола спорт, илм тудайли бошқа давлатларда ўқияпти, билимини оширяпти.

Шундай ёруғ кунларда ҳам бир-биринга адоват қилиб, арзиманган муаммо сабаб раҳбарларга арз қилиб юрганларни сира тушунмайман. Ўтган кунларни ҳеч есашармикан? Бир йўла кўзни юмиб олиш керак эмас ахир. Ўн йиллар аввал ҳам бугунгидай шароитлар ҳақида ўйламаганмиз. Ҳаёлимизга ҳам келмаган қулайликлар ўз-ўзидан бўлмаса керак? Айниқса, нафақа пулига икки-уч кунлаб навбатда турмаётганимизга шукр дейман. Паспорт олиш учун ойлаб туман марказига қатнаб, ҳам умримиз ўтган, ҳам маблағимиз кетган. Ҳозир у кунларни эртакдай ёслаймиз. Инсон қадри улуғларини шу эмасми?!

Ҳозир оғина интилган одам учун барча имконият бор. Мана, бозорларимиз тўқин. Айниқса, ун, нон сероблигига кўз тегмасин! Бир ҳовуч дон учун не азобларни кўрмаганмиз. Яратганга беадад шукр, тандирдан тўлиб нон ёпиляпти. Сумалак қилишга, Наврўздек миллий байрамларимизни нишонлашимизга тўсқинчиликлар йўқ. Китеобларни беркинбиб ўқийдиган пайтлар ўтиб кетди. Рўза тутиб, диний амалларимизни тўла-тўқис адо этишдан қўрмаймиз. Мадрасаларда таълим олаётган қори ўғил-қизларимиз зақоси кўзимизни ҳам, кўнглимизни ҳам аяшнатади. Тўйларимиз тўқин-сочинликда, ҳатто қишлоқларда ҳам замонавий тўйхоналарда ўтаяпти. Буларнинг барига шукр қилиш керак. Шукроналик ҳисси одами меҳнатга, олға интилишга, аҳилликка чорлайди. Ватан шу йўсин бунёд этилади.

